

# ЎЛКАМИЗ ОШУФТАСИ

Ҳар бир мусаввирнинг ўзига ёққан, дилига яқин мавзулари бўлади. Истеъдодли рассом Беҳзод Маҳмудов табиат манзараларини чизишни севади. У институтни битираётган кезларида диплом иши сифатида Бўстонлиқнинг туркум манзарасини тақдим этганди. Шу кунларда унинг Меъморлар уйида намойиш этилаётган кўргазмасига борсангиз, Хумсон манзаралари Сизни мафтун этади ва ўзингизни ажойиб боғда юргандек ҳис этасиз. Кўргазмага рассомнинг 70 дан ортиқ асари қўйилган. Бу асарларда анъанавий манзарачиликдан айри ҳолда табиатнинг ажойиб қирраларини ўзига хос ҳис қилиш салоҳияти кўзга ташланади. Уларда Беҳзоднинг дунёни илғаши, нотинч замонамизнинг изтироб ва ташвишлари акс этган. Энг муҳими, манзара-рассом қалбидаги туйғуларни юксалтирадиган, ўз юрагидаги гўзаллик оламини яратиш воситасидир.

Беҳзод ўзининг жуда кўп вақтини Хумсон қишлоғида, тоғ ёнбағирларида ўтказади. Аммо рассом биз билан суҳбатда: "Табиатдан кўр-кўрона кўчириб бўлмайди. Уни ўқиш керак. Расмда инсоннинг туйғуси, нафаси сезилиб туриши керак" дейди. Ҳақиқатан ҳам у чизган табиат манзараларига назар ташласангиз, бунга амин бўласиз. Мана "Угом дарёси" расми. Кўз олдингизда ҳайқириб, кўпириб-кўпириб, буралиб оқаётган безовта дарё. Сув оқ ва кўк рангларда қоришиқ тасвирланган.

Рассомни Ўзбекистон экологияси кўп ташвишлантиради. Оролнинг қуриб бораётгани, иқлимнинг аста-секинлик билан ўзгариши "Аср нафаси"да моҳирлик билан тасвирланган. "Умр" асарида абадий йўқоладиган ҳаёт дақиқалари, вақтнинг тез ўтиб кетиши тасвирланади. Табиат манзараси орқали инсон қалби, ҳолати ўқилади.

Баҳорни қаламга олмаган биронта рассом топилмаса керак. Беҳзоднинг "Хумсонда баҳор" манзараси ўзига хослиги билан, бошқа ишланган расмларидан шакл ва маъно ўлчамининг кенглиги билан ажралиб туради. "Шу расмнинг чизилишига нокнинг оппоқ гуллаши туртки берган".— дейди рассом кулимсираганча. Рассомнинг жуда кўп манзараларида бодом гуллари, ўрик гуллари ва биз билмаган аллақандай жозибали гуллар ўзгача латофат касб этиб турибди.

"Хумсонда баҳор", "Угом дарёси", "Жарлик" "Бодом гуллаганда" "Хумсон кечки пайтда", "Мангулик", "Мажнунтол" каби манзаралар рассомнинг энг муваффақиятли чиққан асарларидан дейиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида табиатнинг ўзига хос "нафас олиш" ҳолатларини илғаш сезилади. Рассом асарларининг барчаси XIX-XX аср реалистик услубининг янгича давоми сифатида романтик жилолар билан йўғрилган. Гўё табиатнинг ҳаёт ритми, ички ҳаракати жонлангандай бўлади ва буларнинг барчасини мусаввир усталик билан қаламга ола билган.

Беҳзоднинг устози истеъдодли мусаввир Ҳайдар Санаевдир. "Беҳзоднинг ишларида ёрқин ранглар кам,— дейди Ҳ. Санаев.— Аммо манзараларнинг асосини совуқ ранглар ташкил этишига қарамай, рассом фаслдан фаслга кўчиш пайтларини, табиатдаги маълум бир сонияларда юз берадиган нозик ҳолатларни кузатиб матога тушира олган. Шогирдим ишларининг Санкт-Петербургда бўладиган кўргазмага юборилиши унинг ва менинг ютуғим деб ҳисоблайман".

Айни кунларда Беҳзоднинг ўзи Беньков номидаги рассомлик билимгоҳида кўплаб ёш рассомларга устозлик қилмоқда. Ишонамизки, у шогирдларига мусаввир учун асосий фазилатлардан бўлмиш — дунёни рассом кўзи билан кўра олиш, рассом тили билан ифодалай олишдай, давр муаммоларини ўзгача кўз билан кўра билишдай туйғуларни сидқидилдан ўргатади.

**Маъпура НАБИЕВА.**

**Суратда рассом Беҳзод Маҳмудов.**

*Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги*

# КУМУШБИБИ

МУМТОЗ ёзувчи Абдулла Қодирийнинг ижоди 70 йилдан зиёд вақт ўтса ҳамки, ҳамон бақувват чинордек яшаб турибди. Чунки бу азамат чинорнинг илдизлари она ер бағридан куч-қудрат олган, бу ижод меҳнат аҳли кўнглидан сув ичган. Шунинг учун Абдулла Қодирий халқ назарига тушишдек, унинг меҳр-муҳаббатига, ҳурматига сазовор бўлишдек улуғ мукофотга муяссар бўлган устоз адиблардан.

А. Қодирий асарларининг сеҳри зўр, китобхонни дарров ўзига тортиб олади. Айниқса, "Ўтган кунлар" романи. Инсон юрагини зирқирата оладиган, кўнгилнинг энг тўрига йўл топа оладиган бундай асарни яратиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Қайта-қайта ўқир эканмиз, "Ўтган кунлар" романидан худди хазина ичидан янги бир жавоҳир, янги бир ҳикмат топгандай бўламиз. А. Қодирийнинг бу ўлмас асарини унинг бир иҳлосманд муҳлиси мўъжиза, деб атаган экан. Ёзувчининг ўзи камтарлик билан "бу бир ҳавасдир", деб таърифлаган бу китоб шарқ бадиий адабиёти тарихи осмонида абадий порлаб турувчи юлдуздир. Унинг ҳар бир фаслини, мумтоз адабиётшунос олимларимиз айтишганидек, лоқайд ўқиб бўлмайди, бир жойи кулдирса, бошқа жойи йиғлатади, яна бир фасли юрак-бағрингни ўртаб юборса, бошқа фаслини ўқиганингда шодликдан ўзингни арши аълода кўрасан.

Навбатдаги мутолаада барчани ўзига ром этувчи романнинг энг дилбар қаҳрамони Кумушбиби ва унинг лобар онаси Офтоб ойим ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ёзувчи асарда Офтобойим ва Кумуш образларини, уларнинг миллий характерларини яратар экан, уларда назокат, малоҳат, латофат, иффат каби тушунчалар билан ифодаланувчи фақат шарқ аёлларига хос шундай сирли, оромбахш хусусиятларни яққолроқ ифодалашга интилганини ва уларни ўта ҳаётий тарзда ярата олганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кумушнинг ажойиб бир ҳаётий муҳитга (яъни турмушга чиқишдек улуғ бир қадам қўйишга) тушиб қолган ҳолатини, ейинки, шарқ хотин-қизларида шаклланган мутеълик, ота-она, эр орзусига қарши бормаслик, ҳаё ва ибо, уятчанлик каби ҳислатлар шароит ва муҳитга мос ҳолда қай тарзда ифодаланганини кўриб чиқсак.

"Тўй. Бу хабарни эшитган Кумушнинг қора кўзлари жиққа ёшга тўлиб, киприклари ёш билан беландилар.

Қизлар мажлиси. Базм жуда қизиқ, жуда кўнгилли эди. Кумушбиби ҳам бу қизиқ базмдан бошқалардек ҳисса оладир, севиниб қувонадир деб ўйланмасин, чунки унинг вужуди қизлар базми ичида бўлса ҳам ҳаёли аллақаёқларда учиб юргандек, кўзлари ўйнагувчи қизларда бўлса ҳам ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек.

Кумушдан ваколат олиш ҳам жуда қийин бўлди. Домланинг ваколати олти-етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам янгалар қистоғи остида, аранг унинг ризолиги олинди".

Мана ўша машъум даврнинг, шароит ва муҳитнинг қаҳрамон руҳиятига таъсирини кўрсатувчи кичик бир парча — илгариги миллий тўй тасвири ва тўйгача куёвни кўрмаган, эшитмаган шарқона келиннинг кўриниши. Ҳаётда бир маротаба бўладиган тўйда, қиз мажлисида Кумушбиби нега бунчалик куюнади, нега йиғлайди? Ён-атрофдагилар, қариндошлари куёв таърифини олтин сўзлардан тузиб, унинг ҳусни-ю қадди-қоматини ҳавас билан айтишганда нега Кумушой эшитишни истамайди? Сабаби, Кумушнинг кўнгли сирли ариқ бўйида қолган, унинг ҳаёли-ю эс-ҳушини ўша ерда бир маротаба кўрган йигит олиб қочган. Унинг дилига ҳозир ҳеч нарса сиғмайди, тўй ҳам азага айлангандек. Табиатан кўнгли нозик, мулойим, латофатли Кумуш унашилгандан кейин тун ҳам кун ҳам йиғлайди, аммо ҳеч кимга билдирмай сирини пинҳон тутади. У ўз даврининг ожизаси сифатида дардини яқин кишиси бўлмиш онасига ҳам айтиш андишасизлик эканлигини, тақдирга тан беришдан ўзга чораси йўқлигини тушуниб кўз ёши билан ўзини овутади.

А. Қодирий Кумушбиби образини "тўй муҳитига" ўраб берганда аёллар назокатини, тўй ҳақидаги хабарини эшитганда қизнинг холатини қанчалик тиниқ қилиб берган. Унинг қиёфасидаги бокиралик, босиқлик, камгаплик, аёлларга хос итоаткорлик тарбияланган муҳитидан, онаси Офтобойимдан ўтган бўлса ажабмас. Романда берилишича Офтобойим ҳам бошқа хотинлардек эрининг райи ва хоҳишини, умуман бутун шахсини эҳтиром қилувчи, керак бўлганида фикрини очиқ айтишга ботина олмайдиган, ўз дарди билан ўзи қовуриладиган аёлларнинг типик вакилидир. Шундай она қўлида тарбия олган Кумушда уятчанлик, ҳаё ва ибо кучли. Отабекнинг никоҳ куни Кумуш билан ёлғиз қолганларида "Нега қочасиз? Қарамайсиз?" деган саволига жавобан мажбурият остида ёв қараш билан душманига қарайди ва ҳаяжонланган товуш билан сўрайди "Сиз ўшами?"

Шу биргина сўз етти кундан бери тортган азоблари, кўз ёшлари, дардли қийноқлари "эр" ҳақидаги ваҳималарининг, қолаверса ариқ бўйидаги биргина нигоҳнинг маҳсули эди. Биргина мана шу сўзда адиб Кумуш характерига, қолаверса барча ўзбек қизларига хос ибо; андиша, назокат каби ҳислатларни мужассамлаштира олган. Адиб ўз қаҳрамонини шундай жозибали қилиб яратганки, китобхонни ўзига дарҳол ром қилади. Кумушнинг илк бор қайнонаси бўлмиш Ўзбекойим билан кўришган эпизодини эсласак:

"Қипқизарган ҳолда Кумуш кўринди, паранжиси қўлида, қора атлас қўйлак эгнида, зангор латта мурсак устида, оқ шохи рўмол бошида эди. Шаҳло кўзлари кулимсирашга яқин ҳолда уятли эдилар.

Ҳасанали танитди:

— Мана бу киши қайин онангиз — бек ойим бўладилар.

Кумуш салом берди ва қўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Ўзбек ойимнинг қучоғига олди. Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлар эди..."

Ҳа, Кумушбиби биринчи учрашувдаёқ ўзини келин эмас, гўё Ўзбек ойимнинг ўз фарзанди — қизидек қайин онасининг қучоғига талпинади, сиқиб қучоқлаган сари Кумушой Ўзбек ойимнинг бағрига сингиб кетади. Шу тарзда у аста-секин ўз хатти-ҳаракати-ю, гап-сўзлари билан бу даргоҳдагиларни ҳам ўзига ром айлаб сеҳрлай боради. Ва натижада уч-тўрт куннинг ичидаёқ ақлли ва одобли ҳаракатлари, гап-сўзлари, ширин муомаласи билан қайин онаси билан қайин отасини ўзига мафтун қилади. Юсуфбек ҳожи "бу одам фарзанди эмас — фаришта!" дер, орада Зайнаб бўлмаса "фаришта" деб атамоққа ҳам ҳозир бўлади. Ўзбек ойим эса марғилонлик келинни кўриш учун келувчи хотинларга муомалани яна ҳам юқорироқдан туриб қила бошлайди. Кумушга суқланувчи хотинларга "менинг чин келиним Марғилонда эди-да!" дейди. Келин учун қайин она ва қайин отанинг бундан ортиқ мақтови бўлиши мумкин-ми?!

Кумушга нисбатан бўлган мақтовлар, диққат-у эътиборлар муҳаббату эҳтиромлар оқибатда уни ўлим балосига гирифтор қилади. Меҳрибон ва қадрдон ота-онаси, севикли ёри, ҳамда кечагина дунёга келган норасидасини доғда қолдириб бу дунёдан кўз юмади.

Лекин ҳаётида энг оғир вазиятда — заҳарланиб, ўлим билан олишаётган вақтда ҳам одоб, андиша, нафосат Кумушбибини тарк этмайди. Ҳожи келинининг кундоши тарафидан заҳарланиб ётганини эшитгандан сўнг Кумушнинг бошига келиб ўтиради, унинг юзидаги паришон сочларини ўз қўли билан тузатиб:

— "Ойим... Ойим! дея чақиради. Кумуш кўзларини очиб бесаранжом қайин отасига назар ташлайди ва таниб қўзғалмоқчи бўлади. Лекин Ҳожи "Қўзғалманг, ойим, қўзғалманг!" дея уни юпатади. Кумушнинг кўз ёши чеккасидан оқиб тушганида эса Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силайди, "Худо шифо берар болам!" дейишдан бошқа сўз топа олмайди.

Соҳибжамол фариштанинг ҳаётдан кўз юмишини адиб қуйидагича таърифлайди: "Қусиб ётгач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаради:

— Ойи... дада... сўнгра — бегим!— деб ингради. Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансимон кўзини юмди..."

Заҳарланиб, ўлим билан олишаётган аёлнинг аҳволи қай даражада эканлиги барчага маълум. Кумуш дод солиб ҳайқириши, бақириб уввос солиши ҳам мумкин эди. Лекин ёзувчи яратган дилбар қаҳрамон ҳар қандай шароитда, вазиятда ҳам ўз миллий қиёфасини, ажойиб фазилатларини йўқотмайди. Ҳатто ўлимни ҳам уялгансимон қабул қилади.

Кумушбиби бахт ва муҳаббат учун яратилган эди, бироқ ситамгар замон унга ўлимни раво кўрди. Зотан у замонларда Кумушбибидек дилдорнинг муродига етиши амри маҳол эди...

Шундай бўлса-да аждодларимиз тарихида Кумушбибидек аёллар борлигидан ғурурланамиз. Аёл киши энг катта муҳаббат ва меҳр-шафқат, ҳаё ва ибо, ўз вақтида жасорат ва журъат эгаси бўлиши зарур деб ўйлаймиз.

Мен қўмсаганларимни ҳар гал Кумушбибидан топаман...

**Зебо МАҲМУДОВА,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси.**

*Долзарб мавзуда суҳбат*

# ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

**Вилоят ҳокимлиги, бошқармаларининиг раҳбарлари ва вилоят давлат саиитария иазорати мутахассислари саиитария-эпидемиология хизматини яхши йўлга қўйиш, хавфли юқумли ўткир ошқозои ичак касалликларинииг келиб чиқиши ва тарқалншининг олдини олиш борасида муайяи ташкилий ишларии амалга оширмоқдалар. Биз Тошкеит вилояти саиитария эпидемиология станцияси саиитария бўлими мудири Ж. ЗИЁВИДДИНОВ, санитария врачи И. МАВЛОНОВлардан ҳозирги кунда бу борада қилинаётгаи ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.**

Вилоятдаги эпидемиологик, экологик ҳолатни, халқ хўжалик объектларининг санитария ҳолатини, худудларда санитария-тозалаш, ободонлаштириш ишларини, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашни, чиқиндиларни зарарсизлантириш ишларини ўрганиб чиқиб шу йилнинг февраль ойидаёқ эпидемияга қарши фавқулодда комиссия кенгашида муҳокама қилинганди. Юқорида кўрсатилган касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг санитария муҳофазасини такомиллаштириш ҳақида 1994-1996 йилларга мўлжалланган чора тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси кенгашининг қарорини вилоят ҳокимлиги бошчилигида, бошқарманинг раҳбарлари, давлат санитария назорати мутахассислари томонидан май-июнь-июль ойларида жойларда бажарилишини текшириб, шаҳар ва туман кенгашларида корхона, ташкилот раҳбарлари, жамоа хўжаликлари бошлиқлари, қишлоқ кенгаши оқсоқоллари, оммавий ахборот воситалари ва диний назорат вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Ўтган 1993 йилда ҳавфли касаллик бўйича мураккаб эпидемиологик ҳолат қайд қилинган Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл, Зангиота туманларида ва Янгийўл шаҳрида санитария тозалаш, ободонлаштириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат ва болалар муассасаларини, ичимлик суви тайёрлаш ва оқава сувларини тозалаш иншоотларининг ҳолати ўрганиб чиқилиб, вилоят эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг кенгашида муҳокама этилди ва тегишли чоралар кўрилди.

Юқумли ўткир ошқозон-ичак касалликлари кўрсаткичи ўтган йилдагидан бироз паст бўлса-да, эпидемиологик ҳолатни ва ёз ойларининг иссиқ бўлишини ҳисобга олиб, тез бузиладиган озиқ-овқат ва салқин ичимликларни уй шароитида тайёрлаш ва кўчаларда, бозорларда, бекатларда сотиш тақиқланди.

Шу йилнинг ўтган даврида санитария-гигиена ва эпидемиология талабларини қўпол бузганликлари учун давлат санитария назорати органлари томонидан 2215 жавобгар шахсга жарима солинди, 745 та халқ хўжалик объектининг фаолияти вақтинча тўхтатилди. 7 та иш тергов органларига берилди.

Аммо, юқорида айтиб ўтилган тадбир ва чораларга қарамасдан муаммолар ҳал бўлмай қолмоқда. Масалан, вилоятдаги 18 та мавжуд чиқиндихона санитария талабларига жавоб бермайди, вилоят аҳолисининг 55,4 фоизигина марказий оқава сувларни тозалаш иншооти билан таъминланган: тоза ичимлик суви билан ҳисобот бўйича аҳолининг 62 фоизи таъминланган бўлса-да, худудларда, айниқса, ёз ойларида ичимлик суви узлуксиз етказиб берилмайди. Чиноз туманида 52 фоиз, Янгийўлда 59 фоиз, Қуйичирчиқда 68 фоиз, Ўртачирчиқда 74 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бу худудларда ёз ойларида ичимлик суви танқислиги айниқса сезилмоқда.

Оққўрғон туманидаги "Ўзбекистон", "Гулистон", "Озод" жамоа хўжаликларининг айрим бўлимларида, Янгийўл туманидаги "Озод" жамоа хўжалигининг "Писталик" участкасида, У. Юсупов номли аграр саноат уюшмасининг бўлимларида, Зангиота туманидаги "Назарбек", "Эркин" жамоа хўжаликларида, Қуйичирчиқ туманидаги "Юлдуз", "Меҳнатобод" жамоа хўжаликларининг бўлимларида ва Чиноз туманидаги "Чиноз" жамоа наслчилик хўжалиги бўлимларида аҳолини узлуксиз тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи ҳозиргача ҳал қилинмаган.

Янгиобод ва Красногорскда тоза ичимлик сув ишлаб чиқариш иншоотининг иш фаолияти қарор билан тўхтатилгандан кейингина зарарсизлантирувчи моддалар билан таъминланди. Июнь ойи мобайнида Ангрен шаҳри аҳолисининг ичимлик сув билан таъминотида ҳам бир неча марта узилишлар содир бўлди.

Эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган деҳқон бозорлари санитария ҳолати ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Айниқса, Янги Чиноз, Солдатский, Оққўрғон, Олмалиқ, Чирчиқ бозорларида гоҳо-гоҳо сув тўхтаб қолиши, чиқинди йиғилиб қолиши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш учун шароитнинг йўқлиги, лаборатория экспертизасидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла ўтказмаслик ҳоллари, тез бузиладиган, уйда тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларни сотиш ҳоллари аниқланган. Янги Чиноз деҳқон бозорининг иш фаолияти қарор билан тўхтатилгандан кейингина бироз тартиб ўрнатилди. Чирчиқ шаҳри оқава сувлар иншооти, Янгийўл шаҳар биохимия заводи, Оққўрғон туманидаги болалар ёзги оромгоҳи ва санаториясининг тозалаш иншоотларидаги камчиликлар вилоят давлат санитария назорати томонидан аниқланиб, вилоят эпидемиологияга қарши кураш фавқулодда кенгашларида кўриб чиқилди.

Бизни куюнтирадиган нарса шуки, наҳот жойларда ўз ишларидаги камчилик ва нуқсонларга санитария назорати кўрсатмасидан сўнггина аҳамият берилса? Ҳар бир ташкилот масъулият билан бажарсагина хавфли касалликнинг олди олинади.

*Қишлоқ ислоҳотида янгилик*

# БУ УСЛУБ ҲАММАГА МАЪҚУЛ

**Ўртачирчиқ туманидаги "Роватак" деҳқон хўжаликлари уюшмаси иш тажрибасидан**

ҲОЗИРГИ пайтда "Роватак" — жамоа хўжалиги ҳисобланмайди. У хусусийлашиб деҳқон хўжаликлари уюшмасига айланди. Рўй берган ўзгаришни вилоят ҳокимлиги ва республика Вазирлар Маҳкамасидан борган мутахассислар қишлоқ ислоҳотида амалга оширилган ўзига хос янгилик дея эътироф этишди. Уюшма раиси Муҳаммадолим Убайдуллаев учун эса бу услуб унчалик янгилик эмасди. У 1985 йилда шу тумандаги ҳозирги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида раҳбар бўлиб ишлаётганида "Юрак ютиб, енг учида" биринчи бор канопчилик бўйича қўллаган ва жуда юқори самараларга эришган эди.

У кезларда деҳқонларга ерни расмий равишда шахсий мулкдек қилиб бўлиб берган бошлиқ қилмиши учун боши билан жавоб бериши керак эди. Шу боис раис бу услубни анча йилларгача сир тутди.

— Президентимиз ва республика ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш тўғрисидаги бир қатор ҳужжатлари бизни яна изланиш ва ташаббускорликка даъват этди, — дейди уюшма раиси. — Бошқарув мутахассислари бир ёқадан бош чиқариб маслаҳатлашдик. Ислоҳ йўлини топдик. Ҳар бир деҳқон-фермерга ер расмий шартнома асосида ўз имкониятига қараб 3-5 гектардан бўлиб берилди. Энди ана шу майдонлар унинг ўзиники бўлди. Шартнома талабларида фермер бу ерга пахта экиши, ҳосилдорлик ўртача гектаридан 26,6 центнердан бўлиши, ҳосилни юқори сифатга топшириш, режадан ортиқ ҳосил учун рағбатлантириш, чигит экишдан бошлаб сўнгги мисқолларни давлат пахта пунктига топширишгача ўз зиммасида эканлиги каби шартлар ўз ифодасини топди. Собиқ бригадалар — деҳқон хўжаликларига айлантирилди ва бригадирлар шу хўжалик раислари бўлиб қолдилар.

Бу услуб деҳқонда ҳам, собиқ бригадирда ҳам масъулиятни мутлақо кучайтирди. Энг муҳими ерга, ишга муносабат ўзгарди. "Бу менинг ерим" туйғуси шаклланди ва шахсий жавобгарлик ортди.

Хўш, бу собиқ хўжаликка нима берди? "Зарбдор" деҳқон хўжалиги раиси Раҳматжон Розиевдан эшитайликчи:

— Бу услуб жорий этилгач, бировни далага зўрлаб чиқариш ўзўзидан йўқ бўлди. Тонг ёришмасданоқ фермер-деҳқонлар ўз ерларида анчагина юмушларни бажариб қўядиган бўлдилар. Илгари пайкалларни ўтдан тозалашда, яганада сохталиклар рўй бериб турар эди. Бу камчилик ўз-ўзидан йўқолди. "Ер меники" деб ишлаш ихтиёрий равишда иш сифатини кўтарди. Далаларда ғўзалар баравж, тоза ривожланмоқда. Шоналаб, кўсак боғламоқда. Майдонларни суғориш чоғида сувдан, вақтдан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлади.

Раҳматжон билан далаларни айландик. Мовий денгиздек чайқалиб турган майдонлар ораста. Ғўзалар дуркун. Бу йил янгича услубда ишлаш истагини билдириб биринчилар қатори 5 гектар ер сўраб ариза ёзган Оминахон Қўчқорова даласида бўлдик.

— Бу жойлар ташландиқ ерлар эди, — дейди Оминахон. — Ҳар йили пайкал атрофидаги тутларни моллар ғажиб, ғўзаларни пайхон қилиб ташлар эди. Майдонни оиламизга беришгандан кейин ер бизники бўлди. Кўряпсиз, тутлар ҳам, ғўзалар ҳам яшнаб ўсмоқда.

Оминахоннинг айтишича, оилада ҳамма деҳқон. Турмуш ўртоғи Умарали ишдан бўш вақтларида, фарзандлари — Шаҳноза, Зиёда, Зилола, Муниса, Мунoжот, Умиджонлар доимо оналари ёнидалар. Пахтакор аёл бизга янгича услуб ҳаммага маъқул бўлганини, иш учун жавобгарлик ортганини гапириб берди. Масалан ўтган йили 15 кунда бир амаллаб суғорилган шу майдонни, турмуш ўртоғи билан 5 кеча-кундузда сифатли сувдан чиқарипти. Шартнома бўйича гектарига 26,6 центнер ҳосил олиш режалаштирилган бўлса ҳам Оминахоннинг нияти 30 центнердан экан. Ортиқча ҳосил учун қандай рағбатлантирилиши ҳар бир деҳқон фермерга тушунтирилган.

О. Қўчқорова билан суҳбатимиз ниҳоясига етгач, деҳқон хўжалиги раиси бизга Ғани Бармоқов, Робия Баратова, Жумагул Бердиқулова, Қундуз Маҳаматкаримова, Карима Қорабоева каби оилавий фермерлар, Турсунбой Абдиев, Ботир Тошқўзиев, Суннат Исоқов, Қурбон Бердиқулов, Асқар Исоқов, Мурод Абдиев, Раҳмон Тўхтаев каби тажрибали сувчилар ва механизаторлар ҳақида ҳам гапириб берди.

Уюшмада сувчилар, механизаторлар учун алоҳида имтиёзлар яратилди. Улар ун, ёғ, гуруч, совун, шакар каби маҳсулотлар билан таъминландилар. Мавсум қизғин пайтда бепул овқатланиш имконияти яратилди.

Уюшма ғалла, беда, сабзавот, шоли, макка етиштириш борасида ҳам шу услубга ўтди. Дастлабки самара яққол кўзга кўринди. 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ғалла ҳосили олинди. Техникадан фойдаланишда унум ортди.

— Ҳар қандай янгиликни рўёбга чиқариш осонликча бўлмайди, — дейди уюшма раиси, — бунинг учун ҳар бир деҳқон-фермер бир ёқадан бош чиқариши, янгича услубнинг мазмунига тушуниб етиши керак. Иш шунда олдинга қараб кетади.

М. Убайдуллаев ҳақ гапни айтди. Далалардаги бугунги меҳнат шундан далолат бериб турипти. Ўз эгаларига топширилган майдонларда мўл ҳосил учун сидқидилдан кураш бормоқда.

**С. ҲАСАНОВ.**

# САДОҚАТЛИ ДЎСТЛАР

АГАР тақдир одамга саҳоват кўрсатиб, дунёдаги энг буюк бахтни тортиқ қилмоқчи бўлса, уни садоқатли дўстлар билан сийлайди. Электр транспорти истиқболини ривожлантиришда қозоқ миллатига мансуб ана шундай дўстларимиздан бири Жумат Акпаровдир.

Жумат Қозоғистоннинг оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. Ёшлик йиллари Қозоғистон ва Ўзбекистон чегарасини бир-бирига дўстлик ришталари билан боғлаб турган Ғиштқўприк қишлоғида ўтди. Ўзбек биродарларига бўлган меҳр ва ҳурмат ана ўша йилларда Жуматнинг қалбида муҳрланиб қолди.

Тонг ёришмасданоқ ҳаммаёқ қалин қорга бурканибди. Жумат ишга кетишга тараддуд кўриши билан онасининг фарзандига илтижо қилган овози эшитилди.

— Балам, осундай сауқ кундерде Ташкентке жумисқа барғанша ўзимизде, аулда жумис жўқпекен саған?

— Аппа, меннен қаватир алманъ, мен Ташкентде мейирманди жолдастармен истеймин...

Меҳрибон она фарзандига иссиқ чой ичириб, кузатиб қўйди. Она меҳри Жуматга янги куч ва қувват бахш этди.

Шоферлик касбининг моҳир устаси Ж. Акпаров мана 20 йилдан бери турли ташкилотларда машина бошқариб келди. У халокат оқибатларини тугатиш ва таъмирлаш хизматига ишга келганида ўзбек биродарлари азалдан садоқатли дўстлардек кутиб олдилар. У тезда чапдаст ҳайдовчи Ф. Қўшоқов, Б. Оғабеков, С. Раҳматов, А. Йўлдошев, М. Имомовлар билан "тил" топишиб олди.

Чапдаст Жумат ўз машинасини моҳирлик билан бошқаради. У Т шкент шаҳридаги трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси касаба уюшмаси жамоасидан беназир хизматини аямаётир.

Жумат Акпаровнинг арзигулик меҳнатлари икки миллат орасидаги дўстлик пойдеворининг янада мустаҳкамланишига, камол топишига кичик бўлса ҳам кафолат бўлади. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: "Қозоқ ва ўзбекнинг ота-боболари ва урф-одатлари бир, мозори ҳам, бозори ҳам бир. Ўзбекнинг қонида қозоқ, қозоқнинг қонида ўзбек қони аралашиб кетган".

Чин маънода, бу икки буюк халқнинг дўстлик ришталари абадий ва буюк хазинадир.

**Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.**

*• Булар сиздан миннатдор*

# РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР!

*ҲУРМАТЛИ таҳририят ходимлари.*

*Менинг ёшим 73 да. Шу йилнинг 18 март куни кечаси тўсатдан қон қуса бошладим. Вужудим титраб, дунёдан умидимни ҳам узган эдим. Зудлик билан тўқимачилик комбинати касалхонасининг 1-жарроҳлик бўлимига олиб бордилар. У ерда шифокорлар И. Ким ва В. Худойбердиевлар зарур тиббий ёрдам кўрсатдилар. М. Муҳаммедов, А. Орифжонов каби ўз касбининг жонкуярлари касалдан фориғ бўлишимда ўз хизматларини аямадилар.*

*Ҳозир ўз уйимдаман. Мени оёққа турғишимда кўмак берган шифокорларга газета орқали ўз миннатдорчилигимни билдирсангиз.*

**Ф. ҚОДИРОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

